

1-МАВЗУ: Тасвирий санъат ва чизмачилик таълимининг
мақсад-вазифалари, аҳамияти.

2- соат маъзуза.

РЕЖА:

Тасвирий санъат ва чизмачилик фани.

Расм ишлаш, расмларни тушуниш қоидалари.

Тасвирий санъат ва чизмачилик фанининг инсон ҳаётидаги аҳамияти.

Хулоса.

Мақсад: курс тингловчиларига тасвирий санъат ва чизмачилик фанининг мақсад- вазифаларини расм ишлаш, тушуниш қоидаларини ҳамда фаннинг инсон ҳаётидаги муҳим жиҳатларини қайта ёдга тушириш ва замонавий талаблар ҳақида кисқача маълумот бериш.

Долзарблиги:- Мустақиллик туфайли барча соҳада ўзгаришлар бўлгани каби тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишда ҳам талаблар ўзгарди. малака оширишнинг курслари талаби бўйича олиб бориладиган дарслар янги қонун, ДГС талаблари асосида олиб борилиши тала-бидан келиб чиқиб ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш асосини эгаллаган тасвирий санъат-чизмачилик фанини аҳамиятининг ошганлигини тушунтириш. Тасвирий санъат ва чизмачилик фани концепцияси талабларининг ўзгарганлиги. Тасвирий санъат фани нафосат тарбиясига, болаларни комил инсон қилиб тарбиялашдаги ролини англатиш, чизмачилик нинг, расмнинг дизайн санъати билан алоқадорлиги. Бадий меҳнатга оид ва керакли фан материалларини англатиш. бунга фанда учрайдиган фазо, ранг, композиция каби терминлар ху-сусида маълумотлар бериш масалалари мавзунинг бугунги кунда муҳимлигини билдиради.

Вазифаси: - фаннинг моҳиятини яратиш, тасвирий санъат ва чизмачилик дарсларидаги асосий қоидаларни қайта ёдга тушуриш, фаннинг ҳаётдаги аҳамиятини ёритиб бериш.

Кисқача мазмуни.

Мавзу: Тасвирий санъат ва чизмачилик ўқув предметини ўқувчиларда бадий, эстетик ва аҳлоқий техник маданиятини шакллантириш асоси. Тасвирий санъат ва чизмачилик ўқув предмети мақсади, вазифалари. Борликдаги барча нарсаларнинг чизма асосида бажарилиши. Тасвирий, декоратив- амалий, меморчилик каби санъат турларини ўзига хос хусусиятлари. Техника тарақиётини жадаллаштиришда чизмачиликнинг тутган ўрни. Чизмачилик табиат ва техникани кўргазмали идрок этишга, предмедларни тузилишини, фазовий ҳолатини, кўзга кўриш мураккаб бўлган жиҳатларини билишга ёрдам бериш. Шунингдек т/с ҳам чизмачилик фани ҳам чизмаларни ўқиши, мантиқий тафаккурни, техник ижод, бунёдкорлик ишларига илҳомлантирувчи эканлиги.

Борликдаги, санъатдаги, гўзалликларни аўра билишга ўргатиш. Турли геометрик ясашлар, проекциялашларни тушуниш. Ўқувчиларда расвирий малака, бадий- фикр, ташаббускорлик, миллий ғурурни шакллантириш. чизмалардаги кесим, кирқим, шартлиликлар, соддалаштиришлар, бирикмалар хусусида. Ўқувчиларда касб-хунарга йўналтириш масаласи. Т/с ва чизмачилик таълимнинг асосий бўғинини узлуксиз касбий таълим эканлиги.

Чизмачилик-график таълимнинг мазмуни, моҳияти. Чизма геометрия, мухандислик графикаси. Тасвирий санъатнинг умумий жиҳатлари. Тасвирий санъат ва чизмачилик фанларида маълумотнома адабиётлардан фойдалана олиш ва белгилаш. Замонавий технологияларнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидаги аҳамияти. Чизмачилик фани орқали болаларнинг фазовий тасаввурлари ошади ва техника эстетикаси (дизайн) шаклланишидаги аҳамияти. Чизма, перспектива, проекциялаш, схемалар ҳақида ўқувчиларнинг тасаввурларини кенгайтиради. Ёзув шрифтлари, форматлар, кияликлар, туташувларнинг баъзи томонлари билан танишишда катта вазифаларни назарда тутади.

Тасвирий санъат, чизмачилик ьорликдаги нарса, ҳодисалар ва рўй берадиган воқеала-рни кўра билиш, идрок этиш, эстетик ва эмоционал сезигирликни ўстириш, чизиши малакаларини хосил килиш, фазрвий фикрлаш, ранг сезиш, композицион маданиятни, кўриш орқали тасаввур қилишда, комбинацилашдаги хусусиятлари аҳамити.

Тасвирий санъат балий меҳнат, чизмачилик фанинг бир цикл эканлиги. Бу фанлар тарихий, маданий ёдгорликларни, атроф мухитни асраш, нарсаларга нисбатан бадий дид билан қараш ва эстетик жиҳатдан баҳо бериш малакасини ўстиришга хизмат қилади.

Тасвирий санъат машғулотлари учун керакли анжомлар, бўёклар, қуроллар, коғозлар. Машғулотларни олиб боришида бошланғич маълумотлар. Чизмаларни жойлаштириш, ҳошиялаш, ранг бериш. Чизмачилик асбоблари гатовольник, чизғич, липола, нутромер, кронциркуль, булардан фойдаланишнинг аҳамияти.

Бугунги кунда ДТС талаблари асосида тасвирий санъат ва чизмачилик фанларига қўйилган талабларнинг бажарилиши.

Баёни.

1. малака оширишга келган тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқутувчиларини қайта тайёрлаш, малакасини оширишда тасвирий санъат ва чизмачилик фани методикасини ўқитиш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, тингловчи курсантлар ўқитиш ва тарбиялаш методикаларини такомиллаштириб бермасдан туриб дарсларни замон талаблари асосида олиб бора олмайди. Шунингдек, курс тингловчилари ўрганиши учун керакли манба, адабиётлар ниҳоятда кам ва етарли эмас. Айниқса, тингловчилар тамонидан дарс машғулотларини олиб боришлирига ёрдам берадиган манбаларни ўзлаштириб оладилар. Шунинг билан барча фан янгиликлари ўрни қопланади.

2. « Таълим тўғрисида», шу қонун ва « Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўз. Рес. Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг « Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 203- сон қарорини бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрилган тадбирлар, тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитилишини ҳам тубдан яхшилаш, ислоҳ қилишни вазифа қилиб қўйди.²

Тасвирий санъат ва чизмачилик фани яъни таълимнинг мақсади ўқувчиларда бадий, аҳлоқий, техник маданиятни шакллантиришга ёрдам қилади. Фан мазмунан тасвирий, декоратив амалий, меморчилик каби санъат турларини ўз ичига олади.

Чизмачилиқдан ўқувчиларга мураккаб бўлмаган техник чизмаларни бажаришга, ўқишига ва ўз фикрини график тасвиirlар воситасида ифода этишга, компьютер ёрдамида оддий чизмаларни ясашга ўргатишдан иборат.³

Тасвирий санъат ва чизмачилик фани таълим ва тарбия бирлиги мухим, бу фаннинг жиҳати ҳисобланади. Бугунги кунда ҳаётимиз турли жабҳаларда ўзгариб бормоқда. Ҳозирги замоновий илғор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётимизда аниқликка интилиш, янгилик лардан хабардаор бўлиш, тарихимизни, ўтмишимизни, буюк аждодларимизни, уларнинг фикр- ғояларини билмоғимиз лозим.⁴

Вилояр мактабларидан келадиган тасвирий санъатва чизмачилик ўқутувчилари фаннинг мақсадини ҳам вазифаларини ҳам ДТСда кўрсатилганидек ажратса олади. аммо ўқувчиларга шу фанларни янада чуқурроқ билим беришга, график саводхонлигини оширишга доимо ҳам керакли эътибор беравермайдилар. Шунинг натижасида ўқувчиларнинг билим дараҷаси, график саводи ДТС талабларидан доимо орқада қолиб, таълим ва тарбия бирлиги сақланмай қолмоқда.

Тасвирий санъат фанидан ўқувчилар саводхонлиги бугун жаҳон маданиятининг энг юксак намуналарини илғай оладиган бўлишлари лозим, бунга аввало ўқутувчининг ўзи тайёр бўлмоғи керак. Чизмачилик фанида ҳам илғор кейинги терминологияларнинг кириб келиши кўпроқ янги материаллардан хабардор бўлишни таълаб этади.

² Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 4-максус сон, 6- максус сон.

³ « Таълим тўғрисида» қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури², Ўз.Рес.Ваз.Маҳкамасининг IX- сессияси, 1997 йил 29- августъ.

⁴ Мустақиллик:Изоҳли илмий - оммабоп луғат. Муаллифлар: М. Абдуллаева, Г. Абдураззокова ва бошк.; А. Жалалов ва Қ. Ҳоназаров умумий таҳририда /.-Т.: «Шарқ», 1998-320 б.

Тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари деярли мактабда ўқитиладиган барча фанлар билан боғланган ҳолда олиб борилади. Бу фанни ўзлаштиришга агар ўқутувчи тўғри методикадан фойдаланса самараали таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай фан таълим-тарбия бирлигини таъминлаб берилишини талаб этади. Дунёда бирон бир предмет йўқки бир-бирисиз ёлғиз ривожлана олса. Тасвирий санъат фикр доирасини, чамалашни, ҳажмни, рангни ўргатса; чизмачилик аник ўлчамлар асосида ўқувчи фазовий тасаввурини кенгайтиради, ўқувчиларда ахлоқий, эстетик, меҳнат, экологик ва жисмоний тарбияни амалга оширишга муҳим роль ўйнайди.

Мактаб дастуридаги тасвирий санъат фанинг таълимий характердаги вазифалари қаторига қўйдагиларни киритиш мумкин.

Ўқувчиларга реалистик расм чизиш асослари ҳақида билим бериш;

Ўқувчиларга идрок этиш (санъатни идрок этиш); (борлиқни идрок этиш)

Нарсанинг ўзига қараб расмни чизиш;

4. Композицион фаолият;

Ҳайкалтарошлиқ асослари билан таништириш, тасвирий санъатнинг барча ўқув машғулотларини болаларда ижодий қобилият, эстетик дид, тасаввурларини ўстиришга қаратиш;

Ўқувчиларни тасвирий ва декоратив-амалий санъат намуналари билан таништириб бориб, уларда бу санъатнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги тушунчаларнинг ўсишига ёрдам бериш;

Ўқувчиларда асарларни эмоционал идрок этиш хиссини ўстириш;

Санъатга, фанга қизиқиш ва муҳаббат руҳида тарбиялаш;

Турли-туман ижтимоий-фойдали фаолиятларда эстетик талабларни ҳисобга олган ҳолда ижодий ёndoшиш кўнкимасини ҳосил қилиш;

Бошқа ўқув фанлари қатори техник ижодиётда ҳам расмлардан фойдаланишга ўргатиб бориши;

Чизмачилик фани ДТС1 талаблари бўйича мақсад-вазифаларга эришишда таълим-тарбия назариялари концепцияси бўйича кўрилган масалаларга ижодий ёndoшувни ўрганиб ўз иш фаолитида қўллаб боришдан иборат.

Чунки, чизмачилик фанида фазовий тасаввур, проекциялаш методлари, ўлчам қўйиш, туташмалар, аксонометрик проекциялар, яққол тасвиirlар, эскизлар, топографик ва пневматик схемалар, режа, фасад каби қурилиш чизмалари ҳақида ҳам тушунчаларни чукурлаштиришлари лозим.

Чизмачилик фани нафақат дизайн санъатини балки у эстетик тарбия масалаларини, миллий мағкура, ғоявий дунёкарашни ҳам ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Фаннинг мазмуни кенгайиб бормоқда, ташқи инфомациялар кўпаймоқда, ўқувчиларнинг ҳам дунёкараши кенгайиб, ахборотлар запаси ошмоқда. Шундай бўлсада тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари бўйича таълим-тарбия жараённинг у ёки бу тамонини такомиллаштириш соҳасида илғор ўқитувчилар ишини маълум даражада ошириш талаблари ривожлвниб замоновий талабларга тўғри келадиган қилиб шакллантиришдавр талабидир.

Расм ўз номи билан қўлда бажарилган турли шаклларнинг қоғоздаги тасвирига айтамиз. Жисмнинг шаклини ва ўлчамларини кўрсатадиган текисликдаги тасвир чизма дейилади! Расм ишлашда нарса қўйилиши, тасаввурдан чизилиши мумкин. Ҳозир янги ДТСда ва дастурида 5та бўлимга бўлган ҳолда расм дарси ўрганилиши кераклиги айтилади, яъни:

Борлиқни идрок этиш (1-4 синфлар);

Бадий қўриш-ясаш (1-4 синфларда);

Санъатшунослик асослари;

Натурага қараб тасвиirlаш;

Композицион фаолият;

¹ Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 6-максус сон. Ўз.Рес.Ҳалқ таълим вазирлигиниг ахбаротномаси. 1999 й. 55-100 бетлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, расмларнинг бугунги кундаги олами янада ранг-барангашди, турли реалистик санъат оқимларига энди кўпгина янги-янги аввал бизга ёт бўлган йўналишлар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Расмларни рушуниш энди, фикрлаш билан ҳам тўла алмашинмоқда дейиш мумкин. Болалар чизган расмида унинг олами акс этиши ҳаммамизга маълум нарса, лекин шу расмни ўқитувчи тушуниб етмаса-чи? Уни тўғри баҳолай олмаса нима бўлади. Ўз-ўзидан кўриниб турибиди болаларни қалбан мажрух бўлиб қолишига олиб келинади. Аслида тасвирий санъат «... ўтган давр билан ҳозирга давр ўртасидаги тўсиқни олиб ташлаш орқали таъсир кўрсатса, иккинчидан кишиларни тасвирий санъат орқали олаёрган тажрибалари рассом тамонидан англаб етилган ва баҳолаб бўлинган бўлади, учинчидан рассом тамонидан тамошабинга берилаётган шахсий тажриба муаллиф тамонидан табақалаштирилган ва умумлаштирилган бўлади.»¹. Чунки бола олами ҳам фикридагини расмда ифода этишидир.

Шундай экан расм ишлаш қоидаларини билиш муҳим аҳамиятга эга, аввало чизилаёр-ган нарсани ёки композицияни дафтар варағида тўғри жойлаштира олиш. Барча ўқув қуролларини мақсадга мувофиқ тарзда ишга тайёрлаш. бу қаламни ушлашдан тортиб планшетда ишни якунига етказгунга қадар бўлган вақрларни ўз ичига олади.

Ўқув материалларидан ташқари энди расм чизиш қоидалари алоҳида ўрин тутади. Ранг, соя, ёруғ, перспектива, колорити ва ҳоказоларни ҳам бажарилиш қоидасига амал қилинмаса натижа кутилгандек бўлмайди.

Чизма чизиш қоидаси ҳам расм қоидалари каби бир-бирини доимо тўлдириб боради. Проекциялар, эскизлар, техник расмлар ҳаммаси чизма расм қуролларида ишланади. Чизма асబоблари ўз иш усуслари билан расмнидан бироз фарқланади яъни, чизгич, қалам чиқарилиши, готовальник, рейсшина ва ҳоказолар.

Барча расм ва чизма қоидаларига амал қилиниши кейинги ишнинг бир маромда боришини тўла таъминлайди.

Тасвирий санъат ва чизмачилик таълим мининг инсон ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда улкандир. Чунки тасвирий санъат ҳам чизмачилик фани ҳам кишилар фазовий тасавуруни кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Чизмаларни бажариш, ўқиш жараённида болаларнинг фазовий тасаввuri ва мантикий тафаккурини, техникавий ижодкорликни, дизайн, лойиҳалаш, бунёдкорлик соҳасидаги билимларини ривожлантириб муҳим билимлар олишни шакллантиради.

Мактаб чизмачилик таълим мининг мақсади ўқувчиларни мураккаб бўлмаган техник чизмаларни бажаришга, ўқишига ва ўз фикрини график тасвирлар воситасида ифода этишга ўргатишдан иборат. Агар ўқувчи график саводхон бўлса ҳаётда барча чизмага оид ишларни тезда тушуниш ва бажариб бериш имкониятларига эга бўлади. Чунки биз техникавий ахборотлар жараённида ривожланишдамиз. Ҳар йили минглаб техник терминлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Фақатгина кейинги мустақиллигимиз йилларида Ўзбекистон Республикасида қанчадан-қанча завод ва фабрикалар қурилиб янги-янги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Буларни англаш ва тушуниб олишда тасвирий санъат ва чизмачилик таълим мининг аҳамияти каттадир.

Расм солиш ҳам ўқиш, математика, она тили каби ўқитиладиган мамлакаг тез орада ривожланиб, энг олдиндр борадиган бўлар эди,- деб ёзган эди Дени Дидро. Ҳақиқатдан ҳам тасвирий санъат ва чизмачилик фанининг инсон ҳаётидаги аҳамияти жуда катта. Чунки бола аввало дунёни расмлардаги каби идрок қиласи, кўрган нарсасини қайтаради яъни, психологияда амалий тафаккур тушунчаси бўйича ушлаб кўриб, ўзи ижро этиб ўрганади. Ҳали яратётган образлари абстракт-мавхум ҳолатда бўлсада у қилган ишдан эстетик завқ олади. борлиқни ўзида акс эттиради.

Тасвирий санъат ва чизмачилик фани маънавий-маданиятнинг ҳам асосий қисмидир. У болаларда, инсон ҳаётида бадий маданиятни уйғун шаклланишига хизмат қиласи. Шахс

¹ Д. Эргашев. Тасвирий санъат машгулотларида ўқувчиларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш. Самарқанд-1999 й, 8-бет, 40 бет.

учун муҳим булган сифатларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Борлик, гўзалик, дизайн эстетикаси бу фанларнинг асосини ташкил қиласи.

Тасвирий санъат дарсларини бундай бешта гурухга бўлиниши уни тушунишни бироз енгиллаштиради. Мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик дарсларида ўқувчилар чизган расмларни тўғри тахлил қила билмаслик, болалар ишига нотўғри ёндошиш болаларнинг кейинчалик фандан совуб кетишига олиб келади. Натижада кейинчалик умуман бу фанлар ҳаёт фаолиятидан бутунлай узулиб қолади ва санъат орқали очилиши лозим бўлиши, энг асосий билимлар очилмай музлайди. Шунинг учун ҳам расмни эстетик идрок қилиш билан бирга уни мазмунан тушуниб етишга ҳамҳаракат қилинмоғи керак бўлади. Расмларни аввало қандай шакллардан, қанақа рангда, композицион ечими, ҳажми, қадр-қиммати ўрганилади. Кейин эса унга холоса чиқариш учун ҳаракат қилинади. Ўқитувчи бола ишини ўрганар экан энг кам бўлсада унинг ютугини топишга ҳаракат қилмоғи керак бўлади. «Муҳим вазифа – Ўзбекистондаги ҳар бир инсонни миллати, тили, динидан қатъий назар ватанпарварлик руҳида, қадимий моддий, маънавий маданиятнинг масканларидан бири бўлмиш бу масканнинг ҳақиқий жонкуярлари этиб тарбиялашдир.» Ҳақиқатдан ҳам бунинг учун киши барча бўлаётган воқеаларни тўғри англаб етмоғи лозим. Яъни маънавий, аҳлоқий жиҳатдан комил инсон бўлиб, хур фикрлай олсин.

Тасвирий санъатни тушуниш унинг эстетик тарбия билан узвий биғликлигини санъатшунослар Ремпил, н. Абдуллаев, Т. Махмудов ва бошқалар бир неча бор асарларида айтиб ўтганлар. Услубий жиҳатдан Р. Хасанов, Қ.Қосимов, С. Булатов, А. Сулеймонов, Б. Орипов, Ҳ. Эгамов ва бошқалар ҳам ўз китобларида келтириб ўтадилар.

Ҳар буюмларнинг лойиҳасини чизиши, тузиш даврида расмлар, эскизлар, схемалар, чизмалар чизилади. Умуман жамият ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши билан чизмаларнинг расмийлашиши ўзгариб борган турли хилдаги буюмларни тасвирилаш, расмини чизиши кишиларнинг узвий алоқа воситаси сифатида ҳатто ёзув пайдо бўлишидан ҳам олдинроқ вужудга келган. Шунингдек вақт ўтиши билан оддий расмлар ўрнини схемалар, план (режалар) каби чизмалар пайдо бўлди ва инсон ҳаётини турли жиҳатлардан яхшилаш учун хизмат қила бошлади. Демак, кишилик жамиятига санъат, гўзалик, дизайн кириб келди.

Инсон доимо ўз ҳаётини бирон-бир тарзда гўзал қилишга интилади – дейилади манбаларда. Ҳақиқардан ҳам инсон ҳамиша гўзаликка интилиб яшаган ва бу интилиш ҳаёт бор экан давом этаверади. Шунинг атрофида тасвирий санъат умри боқийдир. Ўзимизни чиройли, гўзал қилиш эмас балки барча нарсаларимиз ҳам гўзал бўлишини ҳоҳлаймиз. Бу ҳоҳиш бизга жуда катта маъсулият юклайди. Ўз навбатида таълим-тарбия шундай маъсулиятнинг энг нодир, мустаҳкам ҳимоячиси ва асосий ўзаги бўлиб хизмат қиласи. Борлиқдаги барча нарсалар узвийликда ривожланади. Бунда тасвирий санъат ва чизмачилик фанининг аҳамияти каттадир.

Бир савол туғилади, нима тасвирий санъат ва чизмачилик дарслари ўтилмаган олдинги даврларда ҳам одамлар яшаган-ку? Ҳа, яшаган! Лекин янги давр, цивилизация кутиб туришни ҳоҳламайди, доимо етуклик сари интилиш бўлаверади. Бу ҳаётда ҳамма ўзига кераклисини қабул қиласи ва ўз маънавий дунёси, оламидан ташқарида ортиқчасини ўзига сиғдира олмайди. Шунинг учун ҳам одамлар ораси турлича, маънавиятда ҳам, жамият-ҳаёт йўлидаги ҳаракатида ҳам. Доимо, доимо олға интилиш шудир ривожланиш, шудир ҳаёт маъноси, шудир маънавият ва маърифат.

Президентимиз, академик И.А.Каримов шундай ёзган эди: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади.

Бу негизлар:

умумий инсоний қадриятларга содиқлик;
ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
ватанпарварлик;»

тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитиши орқали умуминсоний қадриятлар яъни, ахлоқий, меҳнат, экологик, жисмоний тарбия масалаларини ҳам қамраб эстетик дидни, тарбияни амалга оширишга хизмат қиласди.

4.ХУЛОСА

Умумий ўрта таълим мактабларида ҳозир амалга оширилаётган ислоҳатлар бадий ва дизайн таълим-тарбия жараёнинг олдинги ҳолатига нисбатан ривожланнаётган, яхшиланаётган бўлсада уни янада ривожлантириш заруриятини ҳам келтириб чиқармокда.

Бу масалада тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчисининг роли катта. У чуқур билимга эга бўлиши учун тинмай ўз устида муентазам машқ қилиб бориши, ўзининг илмий-назарий, амалий билим савиясини такомиллаштириб, илғор тажрибаларни ўрганиши унга таъниши лозимдир.

Ҳар бир тасвирий санъат ва чизмачилик дарсини керакли кўргазмали воситалар билан бойитиб, ундан фойдаланиши лозим. Чунки бу фанда кўргазмалар ёрдамчи эмас балки улар дарс учун асосий материаллардан бири бўлиб ҳисобланади. Борлиқни техникани ўрганиш учун ўқувчилани комил шахс қилиб тарбиялаш учун уларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш давр талабидир, бу шундагина ўқувчи ҳаётига самарали таъсир кўрсатади.

Тестлар.

1-тест: Савол. Тасвирий санъат ва чизмачилик таълимининг мақсади?

А. Ўқувчиларда бадий; маданиятни шакллантиради.

Б. Ахлоқий; маданиятни шакллантиради.

В. Техник; маданиятни шакллантиради.

Г. Эстетик маданиятни шакллантиришдан иборат.

Д. Ҳаммаси тўғри.

2-тест. Тасвирий санъат дарси неча бўлимда ўрганилади?

А. 6та бўлимни ўз ичига олади.

Б. 4та бўлимда ўрганилади.

В. 3та бўлим ДТС да берилган.

Г. фақат 2 тада олиб борилади.

Д. 5та бўлимни ўз ичига олади.

3-тест. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг президент И.А.Каримов белгилаб берган негизи қайси?

А. Умуминсоний қадриятларга содиклик.

Б. Ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

В. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши.

Г. Ватанпарварлик.

Д. Ҳаммаси.

4-тест. Россияда биринчи «чизма геометрия» китобининг муаллифи ва қачон ёзилган?

А. Я.А.Севостьянов 1821 й .

Б. курдюмов 1838 й.

В. клубин 1812 й.

Г. Г.Монж 1878 й.

Д. И.Рахманов 1976 й.

5-тест. Дизайн маъноси нима?

А. Инглиз тилида расм чизаман дегани.

Б. эстетика.

В. чиройлилилк.

Г. сурат маъноси.

Д. Безатувчи дегани.

6-тест. ГОСТ нимани билдиради?

А. ДТС ни билдиради.

Б. Давлат учун керакли деталь.

В. Давлатлар тамонидан белигиланган ягона ўзгариши мумкин бўлмаган ўлчамни, талабни билдиради.

Г. Бир ўлчамдаги чизмаларни билдиради.

Д. А ва В жавоблар тўғри.

Адабиётлар.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамаси IX-сесияси, 1997 й. 29 август.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. №4 ва №6 маҳсус сон. 1999 й.

Инсон баҳт учун туғилади. Т.1998 й.

Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат:// -Т.: «Шарқ», 1998 й, 320 бет.

С.В.Розов. Чизмачилик курси. «Ўқитувчи», Т.: 1967 й 348 б.

Эргашев Д. Тасвирий санъат машғулотларида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Самарқанд. 1999 й 40 б.

Р.Хасанов, Тасвирий санъат таълим концепсияси, Т. 1997 й.

8. Р.Хасанов, Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Т: Ўқитувчи, 1986й, 96 б.

**2-МАВЗУ: Тасвирий санъат ва чизмачилик ДТС лари, ўқув
дастурлари; 1-2 синф тасвирий санъат.**

2 соат семинар

РЕЖА

1. Тасвирий санъат ва чизмачилик фанинг ўзига хослиги.
2. Тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишда муаммолари, ДТС лари.
3. Тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишдаги ютуқлар, талаблар.

4.Хуроса.

5.Тестлар.

Мақсад: - Тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишда учрайдиган баъзи муаммоларни олдини олиш, концепциясида кўрсатилган йўналиш бўйича ўқитиш ишларини яхшилашга ёрдам бериш. Фанга оид замонавий ютуқлардан ўқитувчиларни хабардор этиш, фанинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб замонавий бадий-эстетик циклдаги фанларга бўладиган эътиборнинг кучайётганлигини англишиш.

Долзарблиги: - Тасвирий санъат ва чизмачилик фани бўйича бугунги кунда ҳосил бўлаётган баъзи танқислик, муаммоларнинг мавжудлиги. Фанга ажратилган соат дарс тизимида камлиги ва унинг жойини тўлдиришнингбор имкониятрари хусусида ўқитувчиларни хабардор этишлик масаласи. Тасвирий санъатва чизмачилик фани хозирча янги нашрлардан чиқкан адабиётлар, методик қўлланмалар, дарс ишланмалари, кўргазмали куроллар ва ҳокозолар хусусида билдирганлар.

Вазифаси:- Тасвирий санъат концепсиясида айтилган тасвирий санъат ва чизмачилик фанидаги ютуқ ва камчиликлар хусусида маълумотлар бериш. Ҳозирги замонавий ўқитиш усулларига оид кейинги кундаги ютуқлар, муаммолар, «Таълим қонуни»нинг талаблари асосида олиб борилиши тўғрисидаги баъзи давр талабларига оид маълумотлар билан таништириш.

Қисқача мазмуни.

ДТС да берилган тасвирий санъат ва чизмачиликка оид бўлган идрок этиш, санъатшунослик асослари каби дарс жараёни. Тасвирий санъат фанидаги композицион фаолият, ранг тасвир композицияси, ҳайкалтарошлиқ композицияси, декоратив яъни, нақш композицилари тўғрисида.

Чизмачилик дарсларини олиб боришда янгича ёндошув, оптантлар, эпюралар хусусида тушунчалар. Чизма чизиш түғрисидаги дарсни енгилроқ тушунтиришга оид маълумотлар. Умуман ўқувчига таълим-тарбия беришда графикавий савод түғрисида ДТС талаблари бўйича чизмачиликдан, билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш шартлиги. Ўқувчилар билимини баҳолаш ва мониторингини ўтказиш масалалари.

Тасвирий санъат ва чизмачилик фани бошқа предметларни ҳам ўзига қамраб олган, инсоният дунёга келгандан бошлаб хаёти мазмунинг бир бўлаги сифатида доимо унга йўлдош фандир.

Тасвирий санъат инсонларга дунёни билишда, бадий ва эстетик жиҳатдан дидларни ўстиришда, комил инсоннинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. мамлакатимизнинг Олий Мажлиси IX сесиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим түғрисида» гиқонунда эркин фирмайдиган мустақил инсонларни тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилади. Президентимиз И.А. Каримов шундай ёзади: «...таълим-тарбия онг маҳсали, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилай диган омилдир» шунинг учун таълим-тарбия масаласини эстетик тарбия масаласига ҳам ёндошмасдан ҳал этиб бўлмайди. Бу масалани тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари олиб боришда катта имкониятларга эга.

Тасвирий санъат. Идрок этиш: (1-2 синфларда)

а. Борлиқни идрок этиш.

б. Санъатни идрок этиш.

2.санъатшунослик асослари:

а. Борлиқни идрок этиш.

б. Санъатни идрок этиш.

Композиция (3-4 синфларда):

а. Ранг тасвир композицияси;

б. Ҳайкалтарошлиқ композицияси.

в.декоратив композиция.

Рангшунослик.

Бадий қуриш-ясаш. Бу предмернинг ўзида жуда катта дунёвий билимлар берилади.

Чизмачилик фани ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини, ижодий фикрлаш қобилятларини ривожлантиради. Барча фанларда чизмалар бажарилади, бунга аллбатта чизмачилик хизмат қиласди.

Фанда чизиқлар, шрифтлар, проекциялар, бирикмалар, схема, план ва бошқа жиҳатларини ўрганишга умуман графикавий савод ўргатишни таъминлайди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари барча фанни ўқитишни такомилаштиришга қаратилган бўлиб ўқувчиларумуй тайёргарлигининг мажбурий минимал дараҷасини белгилаб беради.

Маълумки ДТС 1. Асосий қоидалар; 2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши ва жорий этиш асослари. 3. Умумий ўрта таълимнинг ДТСни ишлаб чиқиши принципларни. 4. Умумий ўрта таълим ДТС нинг таянч ўқув режаси. Ва барча фанлар бўйича ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талабларни белгилайди.

Тасвирий санъат ўкув предмети ўқувчиларда бадий ва аҳлоқий маданиятни шакллантириб ўзбек ҳалқи яратган бекиёс бой, маънавий ва маданий меросни ҳам сингдириш, ўргатишни талаб этади. тасвирий санъат фанида ўқувчиларга қўйилган минимал талаблар қўйидаги машғулот-фаолият турларида амалга тадби қилинади.

1. борлиқни идрок этиш. (1-4 синфларда)

2. бадий қуриш-ясаш (1-4 синфларда)

3. санъатшунослик асослари.

4. натурага қараб тасвирлаш.

5. композицион фаолият.

1. Борлиқни күзатиб, ундағы нағислик ва гүзәлликни күра билиш, идрок этиш, олгрн таасуротлардан бадий-ижодий фаолиятларда фойдалана билиш. Күзатувлар асосида айрим объект ва ходисаларни қалам ва бүёқлар билан бажариш. Табиатнинг турли фаслларларда күринишлар, ўзгаришлар ундағы кайфиятлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш